

## ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА

*Мейлиева Кибирё Тошқобил қизи*  
СДУ “”Ижтимоий иш” йўналиши 4 -босқич талабаси

*«Инсон қадрини улуглаш —юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади»*

*Ш.М.Мирзиёев*

**Аннотация** "Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishiни, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифасини мақсад қилмоқ керак. Мухтасар айтганда, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади", деган сўзлари бунга яққол далилдир.

**Калит сўзлар** Инсон қадри, маҳалла, инфратузилма, ҳужум, олий Кенгаш, қадриятлар, обод, маъмурий, ўрин-жой.

**Кириш** Кўриниб турибдики, бзнинг юртимизда инсон қадрини эозлаш энг олий мақсад деб белгиланган. Маҳалла тизими бўйича жуда катта янгиликлар, янги қонунлар тасдиқланганлиги қувончлидир.

МАҲАЛЛА — Ўзбекистонда маъмурий ҳудудий ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули. Маҳалла тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепа 8 та шаган. Уларни фақат жамоасигина эмас, балки ички манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик, уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий

оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали қилишган. Мил. ав. 3-а. дан мил. 5-а. нинг бошларигача давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши муҳим вазифаларни ҳал этган. Кенгаш, асосан, тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, эълон қилиш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган.

«Маҳалла» атамаси арабча бўлиб, «ўрин-жой» деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган. Адабиётларда Маҳалла ларнинг кўп йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши б-н бирга, турмуш тарзи, кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. 20-асрнинг бошларидаёқ маҳаллалар боши ва унинг ёрдамчилари Маҳалладаги ва маросимларни бошқарганлар, шунингдек, фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасаларида Маҳалла манфаатларини ҳимоя қилганлар. Маҳалланинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш ҳаётида сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат маж-буриятларидан товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбари-яти ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, қуриш ва Маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда йўли билан амалга оширилган. Маҳалла жамиятимизнинг тузилмаси сифатида тарихан бир қанча босқичларини босиб ўтди. У 20-асрнинг 1-чорагида ўзининг анъанавий шаклини олди. Совет ҳукумати Маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган «илғор» топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. 20-йиллар бошларидан совет ҳукумати Маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилди, бу Маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ Маҳалла ўзининг яшовчанлигини этиб, анъанавий ҳаёт ва тарзига ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги тарзи, урф-одат ва расм-русумларни сақлаб қолди. 20—30-йилларда Маҳалла эски турмушга қарши «ҳужум»да — ташлаш ва хотинқизларни озодликка чиқариш ҳаракатида иштирок этди. Шу билан бирга Маҳалла саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштириш (йўл, чойхона, мактаблар қурилиши) да муҳим аҳамият этди. 1932 й. 17 апр. да Ўзбекистонда биринчи марта шаҳарлардаги

Маҳалла кўмиталари тўғрисида Низом чиқди. 1935 — 36 й. ларда Маҳалла ларда оқсоқол бошчилигида Маҳалла кўмиталари ташкил этилиб, ўртасида олиб бориладиган барча ишларни бошқарган 2-жаҳон уруши даврида Маҳалла табиатини намоён этди. Уруш даврида Маҳалла кўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳолини, болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди. 1961 йил августда Олий Кенгаши томонидан чиқарилган шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овулларидаги Маҳалла кўмиталари тўғрисидаги Низомда ҳам Маҳаллага мақоми берилмаган эди. «Маҳалла кўмиталари биронбир молиявий фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олдисотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Маҳалланинг ва ваколатлари чекланган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Маҳалла ларга бўлган тубдан ўзгарди. ЎзР Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, Маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди. Маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик сифатида ўз молмулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисобкитоб рақамига — жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир Маҳалла ўз ҳудудида и. ч. ни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини Маҳалла даги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш б-н таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

**Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки** Ҳозирги пайтда маҳаллаларнинг қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланади. 1990-йилларда Маҳалла ҳокимиятнинг расман қуйи юридик органига айланди. Маҳалла вазифалари анча кенгайди, у демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан биридир. Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан суҳбатда давлатимиз раҳбари уларнинг энг асосий вазифаси иш самарадорлигини ошириш, маҳаллаларда ҳар бир оила ҳолидан хабардор бўлиб, “темир”, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарларига киритилганларга қўлдан келганча ёрдам бериш, инсон қадрини улуғлаш эканини таъкидлагани қувонарли албатта. Ёшлар етакчилари ҳар кун изланишлари ва ўз устида ишлашлари, туман ҳокимига янги таклифлар бериб боришлари кераклиги кўрсатиб ўтилгани ҳамда ўзларининг вазифаларини ситқидилдан бажариб келишларини мисол қилсак бўлади.

**Адабиётлар:**

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Каримов И. А., Биздан озод ваобод қолсин, Т., 1996;

Малицкий Н. Г маҳалла ва мавзелари, Т., 1996;

Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати ва меъёрий ҳужжатлар тўплами), Т., 1999;

Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик, Т., 2002.